



06.10.2018



Бу ҳақда 2018 йилнинг 5 октябрь куни Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган “Адлия ахбороти” номли брифинг ва матбуот анжуманида билдрилди.

Дастлаб брифингда ҳафта давомида бир қатор муҳим масалалар бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисидаги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори, “Инновацион ғоялар етакчиси” кўрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ҳукумат қарори ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида.

Шунингдек, Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб қоидалари Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳам брифингда айтиб ўтилди.

Қоидаларга мувофиқ, назорат қилувчи прокурор муассасага монеликсиз ва исталган вақтда киришга, ҳамма камералар билан танишишга ҳамда махсус қабулхонада сақланаётган шахслар билан суҳбатлашишга ҳақли.

Маъмурий қамоққа олинган шахс адвокат олганида қабулхона маъмурияти адвокатнинг монеликсиз иш юритувидаги ҳужжат юзасидан киришини таъминлайди.

Брифингдан сўнг Вазирлар маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ, 2018 йил 15 октябрдан давлат хизматлари кўрсатилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этиладиган – шахснинг яшаш жойи бўйича (прописка қилинганлиги) яшаётганлиги, унинг ишсизлигини; болани, ёлғиз шахсларни, пенсионерларни ва ногиронларни парвариш қилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва шахснинг тавсифномасини талаб

қилиш бекор қилинди.

2020 йил 1 январдан давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида оила таркиби, қариндошлик даражаси ва фуқаронинг оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотлар давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ФХДЁ органларидан мустақил равишда олинади.

Бундан ташқари, матбуот анжуманида Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом ҳақида ҳам сўз борди.

Матбуот анжуманида иштирок этган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг вакили Низомга мувофиқ талабалар билимини назорат қилиш оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилишини, оралиқ назорат ҳар бир фан бўйича 2 мартагача ўтказилиши мумкинлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, якуний назорат тури семестр якунида (тиббиёт олий таълим муассасаларида фан якунида) ўтказилиши маълум қилинди.

Ҳар иккала масала бўйича тадбирда иштирок этган ОАВ ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

182 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Адлия вазирининг ўринбосари Жиноят судлов тизимида юридик ёрдамдан фойдаланиш эркинлиги бўйича халқаро конференцияда иштирок этди](#) [3]
- [Адвокатлар палатаси: Соҳадаги жонланиш, ҳимоя ҳуқуқи қоғозда эмас, амалда таъминланади](#) [4]
- [Газетанинг 45 сони нашрдан чиқди](#) [5]
- [Халқ таълими тизими соҳасида яхши янгилик](#) [6]
- [“Юридик хизмат учун бир кун” тадбирида муаммолар муҳокама қилинди](#) [7]
- [“Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишонини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.](#) [8]
- [Архив ҳужжатларини рақамлаштириш учун дунёдаги энг яхши ускуналардан фойдаланилади](#) [9]
- [Ўзбекистон Адлия вазирлиги ГФРнинг Адлия ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш федерал вазирлиги билан ҳамкорликни йўлга қўйди](#) [10]
- [Газетанинг 44 сони нашрдан чиқди](#) [11]
- [Мен ҳам нафақа олишга ҳақли эканман](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=ruknlar/4207>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4207>
[2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4207>
[3] <http://insonvaqonun.uz/node/4339>
[4] <http://insonvaqonun.uz/node/4336>
[5] <http://insonvaqonun.uz/node/4335>
[6] <http://insonvaqonun.uz/node/4334>
[7] <http://insonvaqonun.uz/node/4330>
[8] <http://insonvaqonun.uz/node/4323>
[9] <http://insonvaqonun.uz/node/4318>
[10] <http://insonvaqonun.uz/node/4317>
[11] <http://insonvaqonun.uz/node/4311>
[12] <http://insonvaqonun.uz/node/4308>